

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 802-ҳадис

802/1606 - عَنْ أَبْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: مَا تَرَكْتُ اسْتِلَامًا هَذِينَ الرُّكْبَيْنِ، فِي شِدَّةٍ وَلَا

رَحَاءٍ مُنْدُ رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَسْتَلِمُهُمَا.

802.1606. Убайдуллоҳдан ривоят қилинади:

«Нофеъ деди: «Ибн Умар розияллоҳу анхумо: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу икки рукнни* истилом қилганларини кўрганимдан бери уларни истилом қилишни қийинчиликда ҳам, осончиликда ҳам тарк этмадим», деган».

Нофеъга: «Ибн Умар икки рукннинг орасида оддий юарамиди?» дедим. У: «Истилом қилиш осонроқ бўлиши учунгина оддий юарар эди», деди».

* Икки рукн - Каъбанинг Яманга қараган тарафидаги икки бурчаги: Ҳажарул асвад ва тавофда ундан олдин келадиган бурчак.

Манба: hadis.islom.uz

